



Фарғона ҳақиқати

http://farhaqiqat.uz/ t.me/farhaqiqati

№ 55



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

2021 йил 1 июль, пайшанба (24548)

Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

ИҚТИДОРЛИ ВА ФАОЛ ЁШЛАР – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПОРЛОҚ КЕЛАЖАГИ

Ёшлар кун муносабати билан Тошкентдаги Ботаника боғида «Учинчи Ренессанс бунёдкорлари» шиори остида Ўзбекистон ёшлари ва талабалари форуми ташкил этилди. Тадбир жараёнида республикамизнинг барча вилоятларида онлайн тарзда намоёиш этиб борилди. Президент Шавкат Мирзиёев форумга ташир буюриб, нутқ сўзлади.

Фарғона давлат университети хибёнига ўрнатилган улкан монитор қаршига вилоятимиздаги олий таълим муассасаларининг фаол талабалари, турли йўналишларда ютуқларга эришган ёшлар, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи аъзолари, номдор стипендиялар соҳиблари, вилоят ҳокимлиги ва жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари жам бўлишди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда янги Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори кўйилаётгани, ёшларимиз ўз олдларига катта марралар, улкан мақсадларни қўйиши зарурлигини таъкидлади. Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган Президент ва ижод мактаблари фаолиятининг қувонарли натижалари ҳақида сўзлар экан, Президент мактабининг илк қалдирғоч битирувчилари нуфузли хорижий олийгоҳларнинг талабасига айланганини, бир қатор ёшларнинг орден-медаллар, юксак унвонлар билан тақдирланганини қувонч билан таъкидлади ва уларнинг устозлари ҳамда ота-оналарига ўз миннатдорчилигини билдирди. Шунингдек, бундан буён сиёсий етук ва фаол ёшларни маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайлашни, Олий Мажлис депутатлари ва сенаторларга биттадан



ёш сиёсатчини бириктириш зарурлиги хусусида сўз борди. Шу асосда янги Ўзбекистоннинг янги қиёфадаги парламенти шаклланиши айтилди. Бугун шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, иқтидорли ёшларимизнинг кўпчилиги жонқуярлик билан хизмат қилмоқдалар. Бундай ёшлар орасидан янги авлод захира кадрлари – «Келажак лидерлари»ни шакллантираемиз, – деди Президент. – Ҳаётимизнинг қайси соҳа ва тармоғини олмай-

лик, ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилиб, уларга зарур шaroит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Сўнгги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошгани бунинг яққол далилидир. Хорижий инвестициялар иштирокида замонавий корхоналар барпо этиб, кўплаб янги иш ўринлари

яратилган, маҳсулотларини экспорт қилаётган тадбиркор ёшларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида буюқ аждодларимизнинг айни навқирон ёшида улкан кашфиётлар яратгани, ўлмас асарлар ижод қилганини ёдга олиб, халқимизнинг бугунги ёшларимиздан умиди катта экани, жамият тараққиёти йўлида

ўз хиссасини қўшаётган йигит-қизларимизни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр эканини айтди. Президентимиз ёшларни байрам билан яна бир бор табриклаб, уларга катта ишонч билдирди. **Ҳаётжон БОЙБОБОВ. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«МАРД ЎҒЛОН» ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаолият кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш ва унинг халқаро нуфузини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, халқ манфаати ва юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойи ва мард ўғлонларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли йигитларини фан, таълим, тиббиёт, маданият, адабиёт, санъат, спорт, ишлаб чиқариш, ҳарбий хизмат соҳалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақлифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин. «Мард ўғлон» давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 28 та мукофот ўрнига 2021 йил учун истисно тариқасида 29 та мукофот берилиши

Белгилансин. 2. «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганларга совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари тантанали вазиятда топширилсин. 3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Мард ўғлон» давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига «Мард ўғлон» давлат мукофоти соҳибларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин. 5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри, 2021 йил 28 июнь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июндаги ПҚ–5164-сон қарорига илова «Мард ўғлон» давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Каримов Давлатжон Шермаҳомот ўғли — Эркин Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси (Фарғона вилояти)

Ҳайдаров Темурак Тохиржон ўғли — Фарғона давлат университетининг 2-босқич талабаси (Фарғона вилояти)

(Қарорнинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).

Сув — зар, сувчи — заргар

Суғоришнинг ҳадди

САРАТОН — деҳқончилик учун муҳим палла ҳисобланади. Ғўзалар ривожини кузатган кишининг баҳри-дили очилади. Шоналар гулга, гуллар кўсақларга айланаяпти. Лекин бу ҳали кўзланган ҳосил тўпланди, дегани эмас. Ҳозир бутун эътиборни ҳосил тугунчаларини янада кўпайтириб, бўлиқ кўсақлар яратишга қаратиш зарур.

Кўлай об-ҳаводан самарали фойдаланган ҳолда экинларни сувга қондириш, зарарку-нанда хашаротларга қарши курашиш, техникаларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш, мўл ҳосил яратишнинг муҳим омил эканлигини тажрибали деҳқонлар яхши билишади. Айни кунда вилоятдаги 82 минг 80 гектар ерда бу муҳим агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар учун 1770 та чопик трактори ва культиватор, 560 та чуқур юмшаткич, 542 нафар мутахассис ва агрономлар бириктирилган. Ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантириш ишлари яку-ланди, баргидан озиклантиришга шира-трипс, ўргимчаккана сингари зараркунандаларга қарши кура-шишга эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда 568 та ОВХ ва шангали пуркагичлар дала ишларига жалб этилган. 342 минг 673 гектар-да суспензия сепиш тадбирлари амалга оширилди, ҳар икки гектар ерга 1 дондан феромон тутқичлар ўрнатилди. Пахтачиликда сувни тежовчи технологияларнинг жорий этилаётгани сув сарфини камайтириш, экинларни суғориш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш имкониятини бермоқда. Бу самарали усул сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда айниқса, кўл келмоқда. Масалан, 20 гектардаги Ғўзани аънаваний усулда суғориш учун 10 кун вақт сарфланса, томчилатиб суғоришда 3 кун kifшо. Механизация хизмати, минерал ўғит, экилги-мойлаш маҳсулотлари иктисод қилиняпти. Учкўприк туманидаги «Акмалхон» фермер хўжалиги бу йил 20 гек-тар пахта майдонида томчилатиб



суғориш технологиясини жорий этди. Бунинг учун 66 минг дол-лар миқдорда маблағ сарфлади. Фермер Хайрулло Ғуфоровнинг айтишича, янги тармоқ учун сарф-ланган маблағларнинг бир қисми субсидия ва солиқ интизёлари тар-зида қайтиб берилди. Натижада биринчи йилнинг ўзидаёқ сарфлан-ган харажатлар ўрни қопланади. Фермер хўжалиги 72 гектар ерда парваришланган ғалла ва пахтадан 700 миллион сўмдан ортик даромад олишни кўзлаб турибди. Экин маромида ривожланиб, мўлжалдаги ҳосилни тўплашида тўғри суғоришнинг аҳамияти катта. Бу энг нозик агротехника тадбир-ларидан бири бўлиб, иш сифатли бажарилишига, мавжуд ҳосил ни-шонларини сақлаб қолиш ва уни кўпайтиришга хизмат қилади. Қатор ораларига экин ҳолати-дан келиб чиқиб сув таралса, ғўзалар кўнгилдагидек қонади.

Кўсақларнинг мағзи тўқ, пах-танинг сифати юқори бўлади, — дейди «Fergana Global Tekstil» МЧЖ пахта-тўқимачилик кла-стери, Учкўприк тумани бош агрономи Арабжон Ҳожиакбаров. — Эгатларга таралган сув ях-ши самара бериши учун уни чўллатиб ҳам, кўллатиб ҳам қўймаслик керак. Масалан, Ғўза чанқаса, гул ташлайди. Борди-ю кўллатиб суғорилса, Ғўза бўйича зўр бериб, говлаб кетади, ҳосилдорлик камаёди. Шунинг учун экин ҳолати, ер шароити инobatга олинган ҳолда, оби-тобида бажариш мақсадга мувофиқ. Суғоришни «шарбат» усулида олиб бораемиз. Шундай қилинса, сув юрмаган жўяқдан Ғўза илдиизга етарли миқдорда ҳаво ўтиши таъмин-ланади. «Шарбат» эса намлиқни узоқ сақлаши баробарида экинни қўшимча озиклантириш имконини беради. Халқимизда «Сув — зар, сувчи —



заргар» деган ибора бор. Мута-хассислар фикрича, пахта ҳосили нечоғли юқори, толасининг пишиқ бўлиши кўп жиҳатдан суғоришнинг сифатли олиб борилишига боғлиқ. **Расулжон КАМОЛОВ. Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮРТИМИЗНИНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ЁШ АВЛОД ВАКИЛЛАРИДАН БИР ТУРАҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда янги Ўзбекистон ёшларига ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва ус-тувор йўналишига айланмоқда. Жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбия-лаб воғага етказишдек умуммиллий мақсадни амалга ошириш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Бу жараёнда ўз тақдирини ва келажакини Ватанимиз тақдирини ва истиқболи билан узвий боғлиқ ҳолда кўрадиган, шу йўлда ҳар қандай синов ва машаққатларни енгиб ўтишга, жасорат ва матонат кўрсатишга тайёр бўлган, замонавий билим ва касб-хунарларни чуқур эгаллаган ўғил-қизларимиз сафи тўбора кенгайиб бораёт-ганини алоҳида таъкидлаш лозим. Узининг ижодий ва интеллектуал салоҳияти, танлаган касб йўналиши ва ижтимоий ҳаёда эришган муҳим натижалари билан турли соҳаларда юрти-миз равнақига, унинг халқаро обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшаётган, тенгдошларига ўрнатилган ва намуна бўлиб келаётган фаол ва етакчи ёш-ларимизни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида қуйидагилар давлат мукофотлари билан тақдирлансин:

«ДЎСТИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Норматов Хуршид Абдурашидович — Фарғона шаҳридаги «Uz-Segang» қўшма корхонаси таъсисчиси, Фарғона вилояти

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуразақов Оллоёр Алижон ўғли — Учкўприк туманидаги «Меҳригёе» хусусий корхонасининг экспорт-импорт масалалари бўйича директори, Фарғона вилояти **Мухомаров Мардонхўжа Мухаммаджон ўғли** — Бувайда туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти **Ҳакимов Сардор Анваржон ўғли** — Олтиариқ туманидаги «Олтиариқ баракали» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Убайдуллаев Абдувоҳид Мухиддин ўғли — Бағдод туманидаги «Бағдод замин асли» деҳқон хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти **Умаров Мавсимжон Мамурижонович** — Олтиариқ туманидаги «Мавсум агролоғистика» ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари, Фарғона вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкент шаҳри, 2021 йил 29 июнь.

Ш.МИРЗИЁЕВ.

(Фармоннинг Фарғона вилоятига тегишли қисми олинди).



Улгуржи савдо марказидан — ҚОЗОҒИСТОНГА!

Қозоғистон Республикасининг Савдо ва интеграция вазири Бахит Султанов раҳбарлигидаги делегация расмий ташриф билан Фарғона вилоятида бўлди.

Мақсад — икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида эришилган келишув доирасида Фарғона вилоятида улгуржи тарқатиш маркази ташкил этиш ҳамда бу орқали вилоятда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тўғридан-тўғри Қозоғистоннинг йирик савдо тармоқларига етказиб берилишини йўлга қўйишни тақомиллаштиришдан иборат.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Авазбек Уринбоев, Бахит Султанов бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот чоғида Фарғона вилояти ва Қозоғистон Республикаси учун ўзаро манфаатли хамкорликни йўлга қўйиш, келгусида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини янги усулда етишти-

риш, сақлаш, музлатиш, қуриштиш ва қадоқлаш бўйича комплексларни барпо этиш, ўзаро савдо айланиши ҳамда қишлоқ хўжалиги, ягона товар ўтказиш тизимини ташкил этишни тезлаштириш каби масалалар муҳокама қилинди. Барпо этиш режалаштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи тарқатиш маркази учун Фарғона вилояти томонидан тақдим этилган ер майдонлари борасида фикр алмашилди.

— Делегация таркибиде ишбилармонлар, йирик савдо тармоқлари раҳбарлари бор. Тадбиркорларимизнинг Ўзбекистон билан хамкорликлари аввалдан мавжуд. Ташриф давомида уни янада тақомиллаштиришни мақсад қилганмиз. Ўзбекистонда 3 та йирик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи тарқатиш маркази ташкил этиш ёки мавжуд логистика марказ-

лари билан шериклик асосида иш ташкил қилиш ниятидамиз. Бунинг учун 30 миллион доллар атрофида инвестиция киритишга тайёрмиз. Бу логистика марказларини тез суръатларда ишга туғриштириб, 2022 йилда етиштирилган ҳосил тўғридан-тўғри Қозоғистон бозорига юборилади, — деди Бахит Султанов.

Учрашув сўнггида "Олтиариқ агро 505" МЧЖ ҳамда Қозоғистоннинг энг йирик мева-сабзавот таъминотчиси "MCC trade company" компанияси ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда Қозоғистонга экспорт қилиш бўйича хамкорлик келишувини имзоланди.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ.

Бандлик:

Ҳунарли кўчада қолмайди

Анора Жамолова Фарғона шаҳридаги "Шакарқишлоқ" МФЙда истиқомат қилади. "Аёллар дафтари"га киритилган Анаора ҳаётнинг аччиқ-чучуқини кўп тортиди. Рўзгорнинг мингта ташвиши бор. Кўлида хунари бўлмагани учун жуда қийналди. Қаерга иш излаб борса, рад жавоби олаверди. Унинг жонига "Ибратли бекам" ўқув маркази оро кирди. Марказнинг сартарошлик курсида уч ой ўқиди, махсус сертификат ва дипломга эга бўлди.

— Бугунги кунда гўзаллик салоҳида ишлайман, ойлигим анча яхши, — дейди у. — Уч ой бепул курсда ўқиб, стипендия ҳам олдим. Асосийси, сартарошликни пухта ўзлаштириб, зарур малакани эгалладим.

Ҳа, "Ибратли бекам" ўқув маркази вилоят бандликка кўмаклашиш бош бошқармаси билан хамкорликда камбағал ва ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитишни йўлга қўйган. Айни кунларда пазандчилик, чеварчилик, ошпазлик, компьютер технологиялари, бухгалтерия, сартарошлик йўналиши фаолият кўрсатаётган бўлиб, ўтган даврда олти юздан ортиқ аҳоли курсларни тамомлади.

Мамлакатимизда ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш йўлида муайян ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, вилоятимизда "Ишга марҳамат" мономарказлари, маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш масканлари фаолият кўрсатмоқда. Нодавлат таълим муассасалари билан хамкорликда ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Минглаб юртдошларимиз ўқув курсларида ўқиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга ҳаракат

қилмоқда. Давлатимиз томонидан бу йўналишда бир қатор имконият ва имтиёзлар яратиб берилляпти. Президентимизнинг 2020 йил 11 август кунин қабул қилинган "Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаолигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга.

Нодавлат таълим муассасида ўқиб, касб-хунар ўрганган ҳамда WorldSkills ва бошқа халқаро стандартлар даражасида касбий малака сертификатини (Skills passport) олган битирувчиларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қўйидаги имтиёзлар берилляпти:

- касб-хунарга ўқиш ва малака имтиҳонини топшириш харажатларини қоплаш;
- тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилганлик учун рағбатлантириш субсидияларини ажратиш;
- ўз бизнесини бошлаш учун имтиёзли кредит ажратишга йўлланма бериш.

Ўш, бугунги кунда вилоятимизда бу борадаги ишлар қандай ташкил этилган? Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4-5 февраль кунлари вилоятга ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнида ҳар бир туман ва шаҳарда қўшимча равишда камидан 4-6 та тадбиркорлик кўникмалари

ўқитишга мўлжалланган нодавлат таълим муассасаларини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш, вилоятдаги нодавлат таълим муассасалари сонини кўпайтириш, уларнинг фаолиятини кенгайтириш орқали жорий йилда 10 минг нафар ишсиз "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларни ўқитиш учун барча шарт-шароитларни яратиш топшириғи белгиланган.

— Бизнинг асосий мақсадимиз камбағал ва ишсиз аҳолини доимий даромад манбаига эга қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга кўмаклашишдир, — дейди вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Алишер Анваров. — Албатта, бунда муайян касб-хунар

имтиёзли шартларда ижара асосида берилиши, "Темир дафтар", "Ёшлар дафтари" ва "Аёллар дафтари"га киритилган фуқароларни касб-хунарга ўқитгани учун грант маблағлари ажратилиши, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси билан ўқитилган ишсиз шахсларнинг ўқиш харажатлари, шу билан бирга тадбиркорликка ўқитган ҳар бир ишсиз фуқаро учун ўқув харажатлари субсидия ажратиш орқали қоплаб берилиши шулар жумласидандир.

"O'ltam Munavvar ziyo", "Ideal plus oqov maskani", "Real Said land", "Argon markaz 2020" нодавлат таълим муассасаларига касб-хунар мактабларидан бўш бинолар ажратилди. Қўқон шаҳридаги "Миллий мафкура" нодавлат таълим муассасаси билан ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш юзасидан хамкорликдаги ишлар бошланди. Ҳозирда 47 нафар хотин-кизи тикувчилик ва пазандчилик йўналишидаги касбга ўқитиш курсларига жалб этилган.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 8 минг 893 нафар ишсиз фуқаролар касбга ўқитиш курсларига қамраб олинди, 1773 нафар фуқаролар касбга ўқитиш курсларида ўқитилмоқда. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш, бу орқали ишсиз аҳолини касб-хунарга ўқитиш ишлари қониқарсиз ҳолатда. Кўпчилик бу борадаги давлатимиз томонидан яратиб берилган имтиёзлардан хабардор эмас. Мутасаддилар мазкур масалада асло бефарқ бўлмаликларини шарт. Мавзуга яна қайтамиз...


Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Саноат корхоналарида

Болалар ўйинчоқлари Фарғонада ишлаб чиқарилмоқда

Бунинг учун тадбиркор 300 дан зиёд иш ўрни яратди

Вилоятимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ўз самарасини бермоқда. Янги лойиҳалар ишга туширилиб, қўллаб иш ўринлари яратилляпти.



Фарғона шаҳридаги "Gold Quality Invest" хусусий корхонаси қисқа фурсат ичида ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топа олди. Ўтган йилда бу ерда йирик ва истиқболли болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Банк тадбиркорнинг бизнес гоёсини рўйбга чиқариш мақсадида 1 миллион доллар кредит ажратди. Хитой давлатидан замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Умумий қиймати 15 миллиард сўмлик лойиҳа ишга туширилиб, сифатли ва харидордир болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарила бошланди.

— Шаҳардаги кичик саноат зонасида жойлашган корхонамизда йилига 47 миллион дона болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарилади, — дейди "Gold Quality Invest" хусусий корхонаси раҳбари Турсунали Маматқулов. — Асосийси, маҳсулотларимиз тўлиқ маҳаллий хом ашёдан тайёрланади, экологик талабларга

тўла жавоб беради. Ҳозирги кунда 120 та янги иш ўрни яратилди ҳамда 200 нафар касаначи фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган болалар ўйинчоқлари ички бозорга етказиб берилляпти. Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонга экспорт қилинмоқда. Эътиборли жиҳати, бу ерда асосан ёшлар меҳнат қилмоқда. Диёрбек Комилов Фарғона шаҳридаги "Юқори Қирғули" маҳалласида истиқомат қилади. Пайвандчилик мутахассислигига эга бўлган 18 ёшли бу йигит замонавий технологияларни бошқаришни кунт билан ўрганди.

— Болалар ўйинчоқларини ишлаб чиқариш жараёни жуда қизикarli, — дейди Диёрбек. — Ҳар бир кичик бутловчи қисмини тайёрлаш учун эътибор ва эҳтиёткорлик керак. Ҳозирда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича ҳам иш олиб бораёмиз.

М. МҲМИНОВ.
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Улар ишлаш учун ХОРИЖГА ЮБОРИЛАДИ



Марғилон шаҳридаги қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказининг 164 нафар битирувчиларига сертификатлар топширилди.

Мамлакатимизда хорижда ишлаётган Ўзбекистон фуқароларига нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди, уларнинг муаммо ва эҳтиётларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги тизим жорий қилинди. Хорижда ишламоқчи бўлган шахслар талаб юқори бўлган касбларга ўқитилмоқда.

Марғилон шаҳар қурилиш коллежида малакали му-

тахассисларни тайёрлаш маркази ташкил этилган эди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, зарур жиҳозлар ва ўқув жараёнида фойдаланиладиган махсус техникалар билан таъминланди. Ўтган даврда бу ерда ёшлар қурилиш соҳасининг 8 та йўналишида уч ойлик ўқув курсларида малакали мутахассислардан таълим олдилар.

Мазкур ўқув курсларини тамомлаган битирувчиларга сертификат топ-

шириш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Тўйчибой Бойматов, Марғилон шаҳар ҳокими Адхам Зиявитдиновлар иштирок этиб, мутахассисликка эга бўлган ёшларга келгуси иш фаолиятларида зафарлар тиладилар.

Эндилда мазкур марказ битирувчилари хорижий давлатларда ўз соҳалари бўйича фаолият олиб боришлари мумкин бўлади.

Ўз муҳбиримиз.

"Аёллар дафтари":

Уйда ишлаб, пул топиш мумкин

Учқўприк туманидаги "Зиғир" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Дилором Асқарова камсукум, оддий қишлоқ аёли. Шу кичик жуссаси билан оила деб аталмиш ҳаётнинг залворли юкини елкага олиб яшамоқда. Турмуши бузилиб, ота уйига қайтиб келганига ҳам саккиз йилдан ошди. Ҳаётиндан нолигани йўқ. Жондан азиз яқинлари бахту камоли йўлида меҳнат қилляпти, изланяпти.

Дилором ишсизлиги учун "Аёллар дафтари"га киритилган. Шу боис унга томорқа хўжалигида иссиқхона фаолиятини йўлга қўйишга 12 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳовли сатҳига туташ иссиқхонадаги ҳосил чўғи кўзга ташланиб турибди. Помидор ҳосилга кирган, бодириннинг бозори чаққон. Картошка, райхон, жамбил, ўкроп, кашнич, саримсоқпёз, қўйингки, рўзгор учун керакли бўлган маҳсулотлар муҳайё. Ўтган йили кам таъминланган оилага бир бош она қўй берилганди. Қўй қўзилади, товуклар тухумга кирди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Сабр билан қилинган ҳалол меҳнат ва шукроналик маҳсули.

— Маҳалладагиларнинг бандлик масаласидаги тақлифларига аввалига кўнмадим. Чунки хорижга ишга боришни мақсад қилиб юргандим. Аммо ёлғиз, бетоб онамни ташлаб, ўзга юртга бориб, ҳаловат топа олмаслигимга ишонган, улар тақлифига рози бўлдим. Маҳалла ёрдами билан иссиқхона қурилиши учун ҳужжатларини расмийлаштирдим. Иссиқхонага эртанги бодирин, помидор кўчатларини эдик. Ҳар кун бозорга маҳсулот сотамиз. Ҳозир кредит пулини деярли қоллаб бўлдим. Иссиқхонага иккинчи ҳосил сифатида қовоқ эдик. Яна санокли кунлардан сўнг ҳосил теримини бошлаймиз. Уйда касаначилик асосида спорт майкаларига гул босиб беряёмиз. Умуман олганда, бир ойлик даромадимиз 4 миллион сўмдан ошади. Уйда

ўтириб ҳам пул топиш мумкинлигига амин бўлдим. Меҳнатга яраша даромад олаётиш, рўзгоримиз бут. Биздек аёлларнинг турмуш шартини яхшилаш, ҳаётда ўз ўринларини топиш йўлида яратиб берилган имкониятлардан мамнунман.

Дилором ота ҳовлида янги уй солишни қўлаб турибди. Чорвачилик, паррандачилик, қурқаччилик хўжалигини кенгайтириш истагиде. Бунинг учун унда имконият, энг муҳими, қўлида сармоа бор. "Зиғир" тумандаги аҳоли зич жойлашган кўҳна қишлоқлардан. Маҳаллада трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи 87 та тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда "Аёллар дафтари"га киритилган 41 нафар хотин-қизлар бандлиги таъминланди.

"Яккатут" маҳалла фуқаролар йиғинида ишсиз тоифасида "Аёллар дафтари"га киритилган Мухаррамхон Қодирова 2-гурӯх ногирони бўлган онаси билан яшайди. Бичув-тикувда ўқувчи бор. Лекин меҳр ва парваришга муҳтож онасидан ортиб,

ишлашга имкони йўқ. Унга имтиёз асосида 30 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Учта тикув машина, хомашё харид қилиб, тикувчилик тармоғини ташкил этди. Айни кунда болалар трикотаж, спорт майкалар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Бу ерда 5 нафар маҳалла ёшлари "Уста-шогирд" асосида тикувчилик сирларини ўрганмоқда. Мухаррамхон бугун ишсиз эмас. У "дафтар"дан киши билан бирга, маҳалладаги бошқа аёлларга яши ҳақ тўланадиган иш тақдир қилмоқда.

Учқўприк туманида 2086 нафар хотин-қизлар 9 тоифадаги "Аёллар дафтари"га киритилган. Уларнинг барчасига тоифалар кесимида амалий ёрдам кўрсатилляпти.

Юртимизда аҳоли муаммоларини бартараф этишнинг ҳуқуқий механизми — "Маҳаллабай" тизимининг янги имкониятлари натижасидир, булар.

Расул КАМОЛ.

Кластернинг шахдам одимлари



Айни пайтда “Ваходир Log'on Tekstil” МЧЖ кластери таркибда “Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларни жорий этиш илмий маркази” фаолият кўрсатмоқда. Марказ Низоми Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 22 июндаги “Пахта хомашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 22 июндаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Фарғона вилояти ҳокимининг 2020 йил 10 декабрь кунги фармойишига мувофиқ тузилган. Низомда илмий марказнинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ташкилий асосларини белгилаб берди.

«ВАХОДИР LOG'ON TEKSTIL» МЧЖ: ИННОВАЦИЯЛАР, ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ЯНГИЛИКЛАР

Пахта-тўқимачилик кластерлари Фарғона, Ёзёнов ва Қува туманида жойлашган бўлиб, “Ваходир Log'on tekstil” МЧЖ ҚҚ, “Ваходир Log'on tekstil” МЧЖ ҚҚ, “Farg'ona Oseana” МЧЖ ҚҚнинг таркибига кирилади. “Ваходир Log'on tekstil” кластери тасарруфиди Ёзёнов туманида 5210 гектар пахта майдони мавжуд бўлиб, ўтган йили 16 минг 482 тонна пахта хомашёси ишлаб чиқарилди ва режа 105,7 фоизга бажарилди. Пахта-тўқимачилик кластери томонидан туманда 700 та иш ўрни яратилган. Қува туманида «Ваходир Log'on Tekstil» МЧЖ ҚҚ кластерига қарашли пахтани қайта ишлаш заводи, иккита пахта қабул қилиш пункти мавжуд. 2020 йилда 6225 гектар пахта майдони бўлиб, 2020 йилда 18 минг 492 тонна пахта хомашёси ишлаб чиқарилди.

“Farg'ona Oseana” МЧЖ ҚҚ кластери Фарғона тумани ҳудудида жойлашган ва унга 5815 гектар пахта майдони ажратилган. 2020 йили туманда 14 минг 854 тонна пахта хомашёси етиштирилди. Шу тариқа 2020 йили вилоятда режадагидан 2505 тонна кам ҳосил олинди. Хўш, бунинг асосий сабаби нимада? Биринчидан, ғўза етиштиришда илгор замонавий технологиялар тўлиқ жорий этилмаган. Кишлоқ хўжалиги зараркундаларига ўз вақтида етарли чора кўрилмаган. Тупроқнинг агрохимик вазифалари таҳлил этилмагани, сифатли ғўза уруғлари сараланмагани, буларни бартараф этиш учун замонавий лабораториялар йўқлиги ва уруғлик чигитини замонавий инновацион технологиялар ёрдамида қайта қўлланмагани, янги кишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланмаганимиз, умуман олганда, илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этмаганимизни асосий сабаб сифатида кўрсатишимиз мумкин. Шу жиҳатларни инобатга олиб, пахта-тўқимачилик кластери қошида «Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларни жорий этиш илмий маркази» ташкил этилди.

2020 йилда 49 минг 828 тонна пахта хомашёсидан 16 минг 609,3 тонна пахта толаси тўлиқ қайта ишланиб, 14 минг 963,3 тонна ип калава ишлаб чиқарилган. Шу ҳажмдаги ип калавадан 3347,4 тонна трикотаж мато, 6505,7 млн. погонметр газламалар ва 14,06 млн. дона тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришилди.

Ҳозирги кунда кластер корхоналарида 8 мингдан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган бўлиб, корхоналар тўлиқ ишга тушганида йилга 65-70 млн. АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот экспортга йўналтирилади. Фарғона туманининг Логон

қишлоғида энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган пахта тозалаш корхонаси ташкил этилгани эътиборга сазовордир. Мутахассислар, олимлар маълумотиغا кўра, олдинги вақтларда бир килограмм пахта толаси 1-1,5 долларга сотилган. Ҳозирги кунда кластер корхоналари томонидан қайта ишланган пахта толасининг килоси ўртача 25-30 долларга сотилмоқда. Демак, 16,6 минг тонна пахта толасидан олинган матонинг нархи 450-500 миллион долларни ташкил этади.

Илмий марказ инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларни жорий этиш бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган бўлим ҳисобланади. Бугунги кунда марказда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги қарорига асосан «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Кишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фарғона вилоят ҳокимлиги, Фарғона ДФЮ консалтинг инновацион маркази, Фарғона политехника институти, вилоят кишлоқ хўжалиги бошқармаси билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Марказнинг вазифалари доирасида замонавий жиҳозланган ўқув-лаборатория хоналарини ташкил этиш, ҳар бир хонани ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича ташкилий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Илмий инновация маркази иқтисод фанлари доктори, профессор Юсуфжон Додобоев томонидан ишлаб чиқилган илмий лойиҳа асосида ташкил этилмоқда. Марказ пахта-тўқимачилик кластери бошқаруви томонидан берилган мулкдан фойдаланиш ва унга эгалик қилиш ҳуқуқига эга. У ўз номидан олий таълим ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик асосида пахтачиликдаги долзарб муаммоларнинг илмий ечимига қаратилган тадқиқот, тажриба-конструктурлик ишларини йўлга қўйиш, илм-фан янгиликлари, инновацион технологияларни жорий этиш, ердан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича иш олиб боради.

Кўйидагилар Илмий марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

- кластерга бириктирилган кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сувни тежайдиган технологияларни ва мақбул алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш;
- ғўзани янги турдаги минерал ва органик ўғитлар билан замонавий агротехнологияларни қўлланган ҳолда озиклантириш, пахта етиштирувчиларга ғўзани касалликлар, зараркундан ҳашаротлардан ҳимоя

қилишнинг биологик ва экологик жиҳатдан хавфсиз уйғунлашган қураш усулларидан фойдаланиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар бериш ҳамда хизмат кўрсатиш;

- Organica ва Global G.A.P. халқаро стандартлари талабларига мувофиқ пахта хомашёсини етиштириш ҳамда тайёр маҳсулот экспорти географиясини кенгайтириш бўйича чораларни кўриш;

- пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини ривожлантиришнинг яқин ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- соҳада рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш, пахта хомашёсини етиштиришда қўл кучини камайтириш, агротехник тадбирларни механизациялаштириш даражасини ошириш, маҳаллий ва хорижий давлатларнинг олий таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, давлат илмий-техник дастурлари доирасида эълон қилинган грант лойиҳалари танловларида иштирок этиш;

- ғўзанинг янги серхосли, эрталлашар нав ва дурагайлари синаш ҳамда танлаш, уларнинг уруғчилигини кенг йўлга қўйиш бўйича илмий-тадқиқотларни амалга ошириш ва амалиётга татбиқ этиш;
- фермер хўжалиқлари раҳбарлари ва агрокластерларнинг мутахассислари учун илмий асосланган замонавий агротехнологияларни кенг татбиқ этиш бўйича кўргазмали семинар-тренинглар ўтказиб бериш.

Марказ ҳар йили ўз фаолияти яқинлаштириш ва келгуси йил фаолиятининг устувор йўналишлари бўйича кластер бошқаруви кенгашида ҳисобот беради. Шунингдек, кластер раҳбарияти билан келишган ҳолда ўқув, илмий-инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган ҳамкорлик соҳасидаги халқаро илмий конференциялар, форумлар, семинар-тренинглар, илмий лойиҳалар ва дастурларда иштирок этади.

Марказ фаолиятини бошқариш кластер раҳбарининг буйруғи билан тайинланган унинг директорига юқлатилади. Фаолиятини ривожлантириш, Низоми доирасида фаолият кўрсатиш бўйича Марказ тўғридан-тўғри кластер раҳбарига бўйсунди. Марказ директори кластер раҳбарининг илмий консультанти ҳисобланиб, у бир пайтнинг ўзида кластер раҳбари ўринбосари мақомига эга.

Штаб жадавали бўйича лавозимлар ва уларни маош даражаси илмий марказлар ҳамда илмий муассасалар фаолиятига оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференцияларга тенглаштирилади.

Илмий марказнинг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, ходимлар

меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини молиялаштириш пахта-тўқимачилик кластерининг ўз маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Шунингдек:

- халқаро молия ва бошқа институтлар кредитлари, хорижий ташкилотларнинг грантлари;

- шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан олинмаган даромадлар, жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси нрезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

- марказ томонидан ишлаб чиқилган илмий-инновацион ёки бошқа (дастурий маҳсулотлар, маркетинг, ахборот-таҳлилий, патент, лицензияланган хизматлар ва х.к.) маҳсулот, хизматларини амалга оширишни ташкил этиш ҳисобига олинган даромадлар;

- иқтисодийнинг долзарб мавзулари бўйича консалтинг хизматлари ҳисобига олинган даромадлар;


- марказга инновацион бизнесни ривожлантириш учун учинчи шахслар томонидан ёки кооператив алоқалар доирасида ажратилган мақсадли молиявий, ҳомийлик ёки хайрия маблағлари;

- “Иқтисодийёт ва инновацион технологиялар”, пахтачиликни ривожлантириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида чоп этилган илмий-оммабоп китобларни сотишдан келиб тушган маблағлар;
- корхона, ташкилотлар ва бошқа илмий марказлар билан илмий тадқиқотларни бажариш, илмий семинарларни ўтказиш билан боғлиқ тузилган хўжалик шартномаларини амалга оширишдан олинган даромадлар.

Марказ ходимларининг иш ҳақи илмий муассасалар фаолиятига оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар татбиқ этилгани ҳолда меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ва шакллари мувофиқ молиялаштирилади.

Марказ директори унга юқланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилмаганлиги, амалдаги қонунчилик ва кластер уставига мувофиқ тақдим этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланади. Марказ ходимлари ўз лавозим вазифаларига мувофиқ иш сифати ва самардорлиги, хизмат вазифаларини бажаришда яратилган иштироқлар ва илмий ишланмалар натижасида уларга маълум маҳфий ахборотни руҳсатсиз ошкор қилганликлари учун жавобгар ҳисобланади.

Марказ ходимлари илмий тадқиқот ишларининг мураккаблигини ҳис қилмаган, ахборот-коммуникация технологияларининг юқори даражасини тушунадиган ва амалиётда татбиқ эта оладиган, яратилган



ларни жорий этиш;
— халқаро талабларга мувофиқ аккредитация қилинган замонавий лабораторияларни ташкил этиш;
— маҳаллий ва хорижий ғўза селекция навлари коллекцияси асосида юқори ҳосилдорликка, сифатга эга, касаллик ва зараркундаларга чидамли кишлоқ хўжалиги экинларининг дурагайлари етиштириш тизимини ташкил қилиш;
— илгор технологияларни қўллаган ҳолда сифатли уруғлик пахта етиштириш;
— уруғлик чигитини энг замонавий



илмий инновацион ишланмаларни реализациясини амалга оширадиган, турли хилдаги буюртмаларни қидириб топадиган, тижорат сирларини юқори даражада биладиган, олий маълумотга ҳамда илмий даражага эга бўлишлари лозим. Штатлар рўйхати бўйича белгиланган лавозимларга ишга қабул қилиш Марказ директорининг тавсиясига кўра, кластер раҳбари томонидан тайинланади ва ишдан озод этилади. “Инновацияларни, илм-фан ютуқлари ва янгиликларини жорий этиш илмий маркази”нинг тузилмаси 11 та штат бирлигидан иборат бўлиб, унинг фаолиятига жалб этиладиган ходимларнинг барчаси Фарғона политехника институти мустақил изланувчилари, профессор-ўқитувчиларидир.

“Ўзимликларни ҳимоя қилишда инновацион технологияларни жорий этиш” бўлими вазифалари:

- “Давлатнавсинаш” участкаларида ҳамда ихтисослашган фермер хўжалиқларида янги ғўза навларини синаш;

- уларни ўстириш технологияларини яратиш;

- кластер мутахассислари ва фермер хўжалиқлари учун мавсумий кўргазмали семинарлар ўтказиш;

- вилоят “Уруғчилик” маркази ва унинг ихтиёридаги МЧЖ ва элита уруғ етиштирувчи фермер хўжалиқларида иштирок этиш ва янги ғўза навларини уруғини яратиш ҳамда районлаштириш;

- инцестакорозид, фунгицид, гербицид ва биологик микропрепаратларни ўрганиш ҳамда ажратилган тажриба участкасида синов ишларини олиб бориш. Синаш натижасида юқори самарадор бўлганларни амалиётда фойдаланилишини ташкиллаш.

Карантин объектлари ва ўсимликларнинг бошқа хавфли зарарли организмларини аниқлаш ва улар диагностикасининг экспресс-усулларини ишлаб чиқиш. Кишлоқ хўжалиги ўсимликларини зараркундан ҳашаротлардан кам харажат талаб этадиган биологик усулда ҳимоя қилишни кучайтириш, сифатли, табиий, экологик тоза кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошириш, табиатдаги биофондларнинг йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш мақсадида биологик тарбияларни босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича тақлифлар бериб бориш.

“Янги ғўза навларини синаш ва уруғчиликни ташкил этиш” бўлимининг асосий вазифалари:

- уруғ тайёрловчи ва етиштирувчи корхоналарда ички сифат назорати тизими ва инновацион технология-

инновацион технологиялари ёрдамида қайта ишлаш.

“Пахтачиликда замонавий техникаларни жорий этиш” бўлимининг асосий вазифалари:

- пахтачиликда ресурстежамкор замонавий технологияларни жорий этишда илгор тажрибаларга таяниб иш юритиш;

- янгича ёндашув, илгор тажриба ва инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш ва тармоқ тақомиллашувини амалга ошириш;

- пахта-тўқимачилик кластерларига қарашли техникаларидан унумли фойдаланишни йўлга қўйиш;

- фермер хўжалиқларида энергия ва ресурстежамкор техника ҳамда технологияларни жорий қилиш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш;

- ерларни лазер нивелирида текислаш технологиясини оммалаштириш ва бошқа замонавий техникаларни (чўқур юмшатиувчи) жорий этишга қаратилган кўргазмалар, дала машғулоти, амалий семинар-тренинглари ташкил қилиш;

- илм-фан янгиликлари ва ресурсларни тежайдиган инновацион технологияларни жорий этиш орқали ерлардан самарали фойдаланиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Илмий тадқиқотларни молиялаштириш ва тижоратлаштириш бўйича мутахассис:

- у кластерда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари рўйхатини шакллантиради.

- Марказ фаолияти амалдаги қонунчилик талабларига кўра, кластер бошқаруви қарори, раҳбарининг буйруғи билан тўхатилиши, тугатилиши, қайта ташкил этилиши ёки бирлаштирилиши мумкин. Марказ тугатилгандан сўнг унинг тасарруфиди барча воситалар белгиланган тартибда жарадан ихтиёрига ўтади.



- Хулоса шунки, илмий марказ ўз фаолиятида кишлоқ хўжалиги тармоқлари жаҳон андозалари даражасида жадал ривожланиши ҳамда жаҳон бозорига рақобатбардош бўла олиши учун кўмаклашади.

- Босис, амалий тажрибалар илм-фан ютуқлари билан ўзаро уйғун ҳолда ривожланиши пахта-тўқимачилик кластерларининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги фаоллиги ҳамда салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Мўминжон Йўлдошев, “Ваходир Log'on Tekstil” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери таъсисчиси, Фарғона политехника институти фахрий профессори.

ТУРИЗМ

Айни кунларда туризм соҳаси ривожлантирилиб, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" номли ички туризм дастури жадал олиб борилмоқда. Жорий йил мазкур йўналишга 1,7 миллион хорижий, 7,5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш, туризм хизматлари экспортини 370 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.



ШОҲИМАРДОН: УЛУҒ ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ БОҶИЙ АФСОНАЛАР

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида "Шоҳимардон" туризми ривожлантириш дирекцияси ташкил этилиб, Фаргона туманидаги "Шоҳимардон" ва "Ердон" МФЙларнинг экотуризм салоҳияти, ҳудуддаги янги туризм йўналишлари кенгайтирилишига эришилмоқда.

Кўни кеча Фаргона туманидаги Шоҳимардон қишлоғи ва Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти Қадамжой туманида сайёҳлик мавсумининг очилишини халқимиз ва қардошларимиз катта байрам сифатида қутиб олди. Фаргона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг Боткен вилоятидаги муҳтор вакили Абдуқарим Алимбоев ўзбек ва қирғиз халқларининг дўстлик, биродарлик алоқаларини бундан-да мураккаблашга қаратилган изчил саёҳат қилишга қаратилган қадимий ҳаёт тарихи ҳақида қадимдан қўйишди.

Шоҳимардон — Кўли Қуббон осма йўли ишга тушди. Шоҳимардон марказидаги истироҳат боғининг таъмирланиши, ҳудудга тунги чироклар ўрнатилиб, марказ ободонлаштирилиши, энг асосийси, йўловчилар учун микроавтобуслар қўйилиши белгиланди.

Демак, Шоҳимардонда янги туристик мавсум бошланди. Олой тоғ тизмасининг шимолий ён бағрида, тахминан 1 минг 550 метр баландликда жойлашган кўҳна қишлоқ юртдошларимиз ва хорижликларни охир-охирида чорлаб турибди.

Қишлоқнинг баҳаво табиати, шифобахш сувлари, муқаддас зиёратгоҳлари, юмшоққўнғил, дилкаш одамлари ташриф буюрувчининг эътибори ва меҳрини тортади.

"Шоҳимардон" — "мардлар шоҳи" демакдир, халқ уни "енгилмас йигитлар шоҳи" деб ҳам таърифлайди. Диний билим эгаларининг изоҳлашича, бу ном Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўеви, тўртинчи халифа Ҳазрат Алига нисбат берилди ва у "Ҳазрати Шоҳимардон пирини" дея эҳтиром билан тилга олинади. Муқаддас манбалар Ҳазрат Алининг бемисл куч соҳиби, паҳлавон, мард, енгилмас, баҳодир, алп келбатли зот эканлиги, унинг қирқ газлик зулфиқор (қилич) бўлганлигидан хабар беради.

Ўзбек халқ достони "Алломиш"да Бойбўрибий ва Бойсарийлар бефарзандлик дардида алам чекиб ётганида Бойсун ўлкасидан Шоҳимардон сари йўл солиб келишади. Ҳазрати Шоҳимардон пирин мазоротида 39 кеча тунаб, сўнггида бир туш кўрадилар. Тушларида бир шоҳиби зот олмани икки бўлиб, уларга тутди. Бирига бир қиз, иккинчисига бир ўғил фарзанд насиб этишини айтиди.

Еши улугларнинг айтишича, муқаддас муродхона мақомида қадрланиб келган мазороти зиёрат қилишнинг ҳам ўз қондаси бўлган. Дастлаб улкан тоғ бағрига, тепаликка пиёда чиққан инсон "Жаннатлар" деб номланган сойда чўмилиб, жисман покланган, шифобахш сувдан танасига дармон олган, сўнгра "Чаккатомар" булоғи сувидан ичиб, кейин Ҳазрат Али мазорини зиёрат қилиб, эзгу ниятларининг ижобати ни тилаб, дуога қўл очган.

Ривоятларда айтилишича, Ҳазрат Алининг 7 жойда мазори бўлган (Ҳазратнинг

васияти билан унга еттита тобут ясалиб, етти жойга дафн қилинган). Ҳазратдан ушбу тобутиларнинг қай бирида бўлишлари сўралганда, у зот "Беш тоғнинг ораси, икки сув қўшилган жойдаги тепалик"ка ишора берган эканлар.

Ҳазрат Али мақбараси бот-бот талафотлар оғушида қолган. 1826 йилда Шоҳимардонда содир бўлган қучли зилзила оқибатида мақбара вайрон бўлади. Собиқ иттифоқ мафкураси остида бир неча марта бузиб юборилган, ёндирилган, талон-торож қилинган. Одамлар шўро ҳукуматининг қаттиқ қаршилиқларига қарамай, табиатнинг гўзал кўчоғига ташриф буюришни, унинг зиёратини адо этишни қанда қилишмаган.

НЕ СИРЛАР БОР
БАҒРИНГДА, ЭЙ ТОҒ?!

Бу ерда ўнлаб зиёратгоҳлар бор. Уларнинг энг машҳури "Чаккатомар"дир.

Туркман шоири Омонтурди Аннатурдиев "Елкада мазор, кўнгилда озор, Тоғ йиллар..." деб ёзганда айнан уни назарда тутган эди. Шоир қоялар орасидан чаккилаб томиб турган сувни шўро ҳукумати томонидан Ҳазрат Алининг мақбараси вайрон этилган муҳиш кўнларда муқаддас жонни кўтариб турган тоғнинг кўз ёшларига қислайди. Айтишларича, чаккатомар сувини ичган инсон ҳам руҳий, ҳам жисмоний енгиллек сезади, томир-томирларига дармон ингандай бўлади. Булоқ ёнига фарзандталаб аёллар, бахтини кутаётган қизлар, умуман, яши ниятли одамлар келиб, шифобахш сувдан тотинганлар.

ЗИЁРАТНИНГ ХОСИЯТИ МЎЛДИР

Оқсувмозор ҳам Кўли Қуббонга кетиш йўлида жойлашган зиёратгоҳ. Айтишларича, Ҳазрат Алининг тобути ортлган оқ туя тоғлар орасидаги икки дарё туташган жойга келиб тўхтабди. Ҳарчанд туяга ишорат қилсалар ҳам у ўрнидан қўзғалмаган. Туя бир неча қаддам ташлаб, шу ерда ётиб олган, васиятда айтилган жой шу эканлигини англайдилар. Баъзи баднийат кишилар оқ туяга эгалик қилишмоқчи бўлишди, кўп уринсалар-да, жониворни олиб кетолмаган, аламларга чидолмай, уни савалайдилар. Норози бўлган оқ туя тоғлар орасидаги ғор ичига кириб кетади. Ушандан буён туя ғойиб бўлган ердан кишин-ёзин тўхтамай сув оқавераркан. Одамлар бу сувлар оқ туянинг кўз ёшлари эканлигига ишониб, ўша-ўша бу ерларни муқаддаслаштиришган.

Зиёратгоҳларга миллий ўзликини англаш, тарихий хотирани тиклаш, аждодларимиздан мерос урф-одат, қадриятларга бўлган муҳаббат ва эҳтиромни намойиш этиш тимсоли сифатида қаралади. Истиқлол шарофати билан бу улкан моддий-маънавий мерос она халқимизга қайтарилди.

Бугун Шоҳимардон ва шоҳимардонликлар сайёҳлар ташрифиди соғинган. Зотан, бу заминга яхши ниятда қўйилган қадам хайрлидир.

Дилнавоз Қўлдошева,
Мўминжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.

ХУШНИЯТ ДИЛЛАРИНИ
МУРОДБАХШ ОШЕНИ

Фаргона шаҳридан 60 км жанубда, Олой тоғ бағрида жойлашган сўлим гўшада 3 800 га яқин аҳоли истиқомат қилади.

ЖАРАЁН

ОҚ ЙЎЛ, БИТИРУВЧИЛАР!

■ 2020-2021 ўқув йилида вилоятимиз умумтаълим мактабларининг 11-синфини 47514 нафар ўқувчи тамомлади. Уларнинг 187 нафари қумуш, 706 нафари эса олтин медаль билан тақдирланди. 168 нафар ёш эса мuddатидан олдин олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинди.

Ўзбекистон туманида ҳам ёш авлод таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратилмоқда. Умумтаълим мактабларида меҳнат қилаётган педагогларнинг касб малакасини ошириш, шунингдек, ўқувчиларнинг фан олимпиадалари ва халқаро танловларида фаол иштирок этишини устувор вазифа сифатида белгиланганини куттилган натижаларга эришишда бош омиб бўлмоқда.

Бу йил туман мактабларини 3 мингга яқин битирувчи тамомлаётган бўлса, аъло ўзлаштириши ҳамда намунали хулқи учун уларнинг 43 нафари олтин, 14

нафари қумуш медаллар билан тақдирланишди. Қўвонарлиси, турли танлов ва мусобақаларда юқори ўринларни кўлга киритган 23 нафар битирувчи мuddатидан аввал олий ўқув юрталарининг талабаси бўлди.

Байрамонга ташкил этилган тадбирда туман ҳокими, туман халқ таълими бўлими мудири томонидан йигит-қизларга медаллар ва эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди. Сўзга чиққанлар уларга "оқ йўл" тилаб, келажакда етук кадрлар бўлиб Ватанимизга хизмат қилишларига ишонч

билдиришди.

— Юртимизда ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар бизни ҳамisha қувонтиради, — дейди тумандаги 1-мактаб битирувчиси Ҳаётхон Ғаффорхўжаева. — Меҳрибон ва таърибали устозларимизнинг меҳнати туфайли бугун қатта ҳаёт оstonасига дадил қадам қўймоқдамиз. Менга берилган олтин медаль эса зиммамга катта масъулият юклайди. Орзуларим бисёр, дефектология йўналишига ҳужжат топшироқчиман.

Матн ва сурат муаллифи Шерзод ҚОРАБОЕВ.

СУРАТДА: (чапдан) Ўзбекистон туманидаги 1-мактаб битирувчилари Ҳаётхон Ғаффорхўжаева, Хулқархон Мелибоева ва Мохирхон Йўлдошева.



<p>МУАССИС: «Farg'ona haqiqati» va «Ferganskaya pravda» gazetalarini tahririyati» MChJ</p>	<p>Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ</p>	<p>Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фаргона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.</p>	<p>Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.</p>	<p>Бизнинг манзил: 150114, Фаргона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.</p>
	<p>Газетадан материал кўчириб босилганда «Фаргона ҳақиқати»дан олинди» деб кўрсатилиши шарт.</p>	<p>Газета таҳририятга юборилган кўлэзма ва суратлар қайтарилмайди.</p>	<p>Босишга топширилган вақти: 19.00. Топшириш вақти: 19.00.</p>	<p>Буюртма: 432 Индекс: 7521 Адади: 7 444</p>

